

“InfinBANK билан \$100 эвазига Таиландга саёҳат” промо-акцияси қоидалари

Атамалар ва таърифлар

Банк – “InfinBANK билан \$100 га Таиландга саёҳат” промо-акцияси ташкилотчиси бўлган хорижий капитал иштирокидаги “Invest Finance bank” акциядорлик тижорат банки.

Карта эгаси – мижоз билан Банк ўртасида тузилган шартнома асосида Visa Classic ва Visa Virtual банк карталаридан фойдаланувчи Банк мижози.

Иштирокчи – Ўзбекистон Республикаси фуқароси (резиденти) бўлган, 16 ёшдан ошган, “InFinBANK” АТБ томонидан чиқарилган Visa Classic ва Visa Virtual карталари эгаси.

Ғолиб – “InfinBANK билан \$100 эвазига Таиландга саёҳат” промо-акциясида иштирок этиб, соврин – Таиландга тур-саёҳат (2 киши учун 1 та пакет)ни қўлга киритган шахс.

Соврин – Таиландга тур-саёҳат (2 киши учун 1 та пакет).

Транзакция – товарлар ва хизматлар учун, шу жумладан Visa Classic ёки Visa Virtual картасидан фойдаланган ҳолда Интернет тармоғида амалга оширилган (банкоматлар ёки кассалар орқали картадан нақд пул ечиб олиш, пул маблағларини картадан картага ўтказиш, шунингдек айирбошлаш операциялари ва омонатлар бўйича операциялар транзакция ҳисобланмайди) тўловларни ўтказишда календар ойида Иштирокчининг ҳисобварағида акс этган харажат операцияси.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти, ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий гувоҳнома, ID-карта, янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси, хорижга чиқиш учун биометрик паспорт.

Шахсий маълумотлар – электрон, қоғоз ва (ёки) бошқа моддий ташувчиларда қайд этилган, иштирокчига тегишли ёки унинг шахсини аниқлаш имконини берадиган маълумотлар.

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур қоидалар “InfinBANK билан \$100 эвазига Таиландга саёҳат” промо-акцияси (ютуқли ўйини)ни ўтказиш тартиби, шартлари, жойи ва муддатларини белгилаб беради.

1.2. Акцияни ўтказиш ҳудуди: акция Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “InFinBANK” АТБ банк тизимида ўтказилади.

1.3. Акцияни ўтказиш муддатлари: акция 2022 йилнинг 15 сентябридан 15 декабригача (шу куни ҳам) ўтказилади.

2. Акция иштирокчилари

2.1. Акцияда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (резидентлари) бўлган 16 ёшдан ошган “InFinBANK” АТБ томонидан чиқарилган Visa Classic ва Visa Virtual карталарига эга бўлган барча иштирок этиши мумкин.

2.2 “InFinBANK” АТБ ходимлари ва уларнинг яқин қариндошлари акцияда иштирок этиши мумкин эмас.

2.3. Акцияда иштирок этиш акция иштирокчиларининг мазкур Қоидаларга тўлиқ розилигини билдиради.

2.4. Агар акция иштирокчиси мазкур Қоидаларга амал қилмаса, иштирокчи акцияда иштирок этишни давом эттириш ва совринни олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Совринни олиш учун акция иштирокчилари акция ўтказиладиган муддат давомида, совриннинг олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар имзоланган пайтгача мазкур Қоидаларга мувофиқ ўзларидан талаб қилинадиган барча ҳаракатларни бажаришлари шарт.

3. Акцияда иштирок этиш шартлари

3.1. Акцияда иштирок этиш учун акция бошланишидан олдин ёки акция ўтказиладиган вақтда InFinBANK томонидан чиқарилган Visa Classic ёки Visa Virtual картаси эгаси бўлишингиз керак. Visa Classic ёки Visa Virtual картаси эгаси умумий \$100 ёки акция бошланган санадаги сўмга нисбатан курс бўйича шунча сўмдаги маблағлар транзакциясини амалга ошириши керак, шундан сўнг у автоматик равишда ушбу акция иштирокчисига айланади. Ҳар бир жами \$100 миқдордаги ўтказма ютуқда иштирок этиш имкониятини беради.

3.2. Акцияда иштирок этувчи транзакция суммаси 01.09.2022 йилгача очилган карталар тарифи учун Банк комиссиясини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисобланади.

3.3. Ютуқли ўйинда барча савдо транзакциялари — офлайн транзакциялар ҳам, онлайн транзакциялар ҳам иштирок этади. Мижоз Visa Classic ёки Visa Virtual картасидан фойдаланган ҳолда ҳам АҚШ долларида, ҳам миллий валютада (сўмда) операцияларни амалга ошириши мумкин, бироқ P2P бундан мустасно.

4. Соврин жамғармаси

4.1. Соврин: Таиландга тур-саёҳат (2 киши учун 1 та пакет). Sovrin jamg'armasi Bankning o'z mablag'laridan shakllantirilgan.

4.2. Мазкур акция бўйича ютуқ олинганлиги муносабати билан юзага келадиган барча тегишли солиқлар ва давлат бюджетига мажбурий тўловларни тўлаш акция Ғолиби томонидан Ўзбекистон Республикасининг

Солиқ кодекси ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил равишда амалга оширилади.

4.3. Ғолиблар совринни алмаштиришни талаб қилиш ёки ютуқнинг пул қийматини талаб қилиш, қийматдаги фарқни қўшимча тўлаб бериш ёки қайтариб олиш шарти билан совринни бошқа юқорироқ ёки пастроқ қийматдагисига алмаштиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Совринни учинчи шахсларга бериш тақиқланади.

5. Промо-акцияни ўтказиш ва совриннинг ўйналиши тартиби

5.1. 2022 йил 15 сентабрдан 2022 йил 15 декабргача бўлган даврда ушбу Қоидаларга мувофиқ транзакцияларни амалга оширган карта эгалари соврин ўйини иштирокчиларига айланишади. Соврин ўйини 2022 йил 22 декабр куни банкнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жонли эфирда бўлиб ўтади.

5.2. Ушбу Акция учун ўйин ғолиблари махсус Randomus дастури ёки тасодифий рақамларни тақдим этадиган шунга ўхшаш дастурлар томонидан аниқланади.

5.3. Банк акция иштирокчилари билан ёзма музокаралар ёки бошқа алоқаларга киришмаслик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, бахсли ҳолатлар ёки совринни топшириш ҳолатлари бундан мустасно.

5.4. Акцияда иштирок этиш иштирокчиларнинг ўз исм-шарифлари, фамилиялари, фотосуратлари ва улар ҳақидаги бошқа материаллардан Банк томонидан уларга ҳеч қандай ҳақ тўламасдан реклама мақсадларида фойдаланилиши мумкинлигига ўз розилигини беришини аниқлатади.

5.5. Банк ўз хоҳишига кўра ушбу Қоидаларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ушбу ўзгартиришлар ва қўшимчалар кучга киришидан 3 (уч) иш куни олдин www.InFinBANK.com веб-сайтида бу ҳақида эълон жойлаштириш шарти билан ўзида сақлаб қолади. Банк соврин рўйхати ва миқдорини, шунингдек, ўйин ўтказилиш муддатини ўзгартириш ёки кенгайтириш ҳуқуқига эга. Банк Иштирокчининг Акцияда иштирок этиш билан боғлиқ зарарлари, харажатлари ва бошқа сарфларини қоплаб ёки тўлаб бермайди.

5.6. Банк ютуқ соҳиби томонидан совриндан фойдаланишнинг бутун даври давомида унинг саломатлигига (ҳаётига), шунингдек учинчи шахсларнинг мол-мулкига, саломатлигига ёки ҳаётига етадиган ҳар қандай зарар учун жавобгар бўлмайди.

5.7. Ушбу промо-акция давомида юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар ихтиёрий равишда ва ўзаро бир-бирини тушуниш асосида Банк ва Иштирокчи ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал

қилинади. Агар келишувга эришилмаса, низо Банк жойлашган жойдаги судда суд тартибида кўриб чиқилиши керак.

5.8. Банк ўзининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жонли эфирда махсус Randomus дастури ёки тасодифий рақамларни тақдим этувчи шунга ўхшаш дастурлардан фойдаланган ҳолда асосий, оралик совриннинг навбатдаги ғолиби (Асосий ғолиб)ни аниқлайди, шунингдек асосий ғолиб Совринни рад этган ва/ёки ушбу Қоидаларда назарда тутилган муддатда совринни олмаган тақдирда Ғолиб деб танлаш учун захира номзодлари сифатида қўшимча равишда 2 (икки) нафар Visa Classic ёки Visa Virtual карта эгаларини аниқлайди.

5.9. Агар Асосий ғолиб совринни рад этса ва/ёки мукофотни ўз вақтида олмаса, совринни олиш ҳуқуқи махсус Randomus дастурида ёки тасодифий рақамларни тақдим этувчи шунга ўхшаш дастурларда биринчи бўлиб аниқланган захира номзодига ўтказилади. Агар биринчи захира номзод совринни рад этса ёки мукофотни ўз вақтида олмаса, соврин иккинчи захира номзодига берилади.

5.10. Агар Асосий ғолиб ва 2 нафар захира номзоди совринни рад этса ва/ёки мукофотни ўз вақтида олмаса, Банк комиссиясининг қарорига кўра мазкур Қоидаларнинг 5.8-5.9-бандларида назарда тутилган тартибда Ғолибларни муқобил аниқлаш амалга оширилади.

5.11. Агар ғолибларни муқобил равишда аниқлаш натижасига кўра соврин уни рад этилиши ва/ёки ўз вақтида олинмаслиги натижасида топширилмай қолса, у ҳолда Банк совринни кейинги ютуқли ўйин учун, уни мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда ғолибга амалда топширмагунига қадар ўзида қолдиради.

5.12. Ўтказилган акция натижалари, ғолибларни аниқлаш ишлари яқунлари бўйича Банк комиссиясининг баённомаси тузилади ва Банк комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

5.13. Ғолиблар номи Банкнинг расмий корпоратив веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, ижтимоий тармоқларда эълон қилинади.

5.14. Банк соврин ғолибига SMS-хабарнома юборади ёки ғолибнинг Visa Classic ёки Visa Virtual картаси уланган телефон рақами бўйича боғланади.

5.15. Иштирокчи томонидан Акция шартларига риоя қилмаслик оқибатлари учун Банк жавобгар бўлмайди.

6. Совринни олиш тартиби ва муддатлари

6.1. Асосий соврин, пул қийматидаги, шунингдек, эсдалик совғаларининг тантанали топширилиши Тошкент ш., Тарас Шевченко кўч., 1 уй манзилида, амалга оширилади ва бунда Ғолиб шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим этиши ва совринни топшириш билан боғлиқ зарур ҳужжатларни имзолаши керак бўлади.

6.2. Совринни топшириш Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг, ҳамда Ғолибнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганидан сўнг, маълумотлар тўлиқ мос келган ҳолда топширилади.

6.3. Ушбу Қоидаларнинг 4-бандида кўрсатилган соврин пул қийматида берилмайди.

6.4. Ғолиб совринни ютганлиги тўғрисида Банк томонидан хабардор қилинган кундан бошлаб 7 (етти) календар куни ичида Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигида кўзда тутилган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашга ва совринни олишга мажбур.

6.5. Ғолибни бош соврин ютганлиги тўғрисида хабардор қилганда, Банк Ғолибга совринни олиш зарур бўлган муддат ва белгиланган муддатда Ғолиб томонидан соврин олинмаган тақдирда нима бўлиши ҳақида хабар беради. Агар Ғолиб узрли сабабларга кўра банк томонидан белгиланган муддатда совринни ололмаса, у ҳолда Ғолибга у совринни олиши мумкин бўлган муддат тўғрисида маълум қилиниши керак, бунда ушбу муддат Ғолибга унинг совринни ютганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб 10 календар кунидан ошмаслиги керак.

6.6. Совринни Ғолибга топшириш Ғолиб ва Банкнинг ваколатли вакили томонидан имзоланган Қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида амалга оширилади.

6.7. Банкнинг совринни ғолибга топшириш бўйича мажбуриятлари улар иштирокчига топширилган ва Қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб бажарилган ҳисобланади.

6.8. Совринга эгалик ҳуқуқи соврин топширилган вақтдан бошлаб ғолибга ўтади. Ғолиб банкнинг ёзма розилигисиз совринни учинчи шахсларга бериш ҳуқуқига эга эмас.

6.9. Бошқа барча тўловлар, шу жумладан йиғимлар, солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар, шунингдек, Ютуқли ўйин совринини олиш билан боғлиқ равишда келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа харажатлар ва сарфлар Иштирокчилар томонидан тўланиши керак.

6.10. Совринни топшириш жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини жалб қилган ҳолда тантанали оммавий тадбир тарзида ташкил этилиши мумкин.

7. Акция иштирокчиларини акцияни ўтказиш шартлари, акцияни маълум муддатга тўхтатиш ёки муддатидан олдин тугатиш тўғрисида хабардор қилиш тартиби

7.1. Промо-акция иштирокчилари уни ўтказиш шартлари ва тартиби тўғрисида реклама роликларини LED мониторларга жойлаштириш, Банкнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида постлар нашр этиш, Интернет сайтларида ва контекстли рекламаларида, транспортда, шунингдек телевидение ва радиода реклама эълонларини бериш орқали хабардор қилинади.

7.2. Мазкур акция ҳақида батафсил маълумотлар, шунингдек, Акция қоидалари Банкнинг расмий веб-сайти – www.infinbank.com сайтнинг “Акциялар” бўлимида жойлаштирилади.

7.3. Акция ҳақида батафсил маълумотларни банкнинг мазкур (+998 71) 202-50-60 ишонч телефони ва 1214 қисқа рақамлари орқали ҳам олиш мумкин.

7.4. Акция муддатидан олдин тўхтатилган, ўтказилиш муддати узайтирилган ёки Қоидаларга ўзгартириш киритилган тақдирда, тегишли маълумотлар Банкнинг www.infinbank.com сайтнинг “Акциялар” бўлимида жойлаштирилади.

7.5. Шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ, Иштирокчи ўзининг ҳар қандай шахсий маълумотлари Банк ўз фаолиятини юритиши, Банк томонидан мазкур қоидаларнинг шартлари бажарилиши учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа мақсадлар учун Банк томонидан қайта ишланишига ва фойдаланишига чексиз муддатга розилик беради.